



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел: +99866 234-80-34, +99891 528-24-46
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 109

« 27 » август 2023 й.

«SAMARQANDMARMAR»
акциядорлик жамияти
рахбариятига СТИР 200 711 573

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр

Биз, Самарқанд вилояти «SAMARQANDMARMAR» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 1 январ кунидан 2022 йил 31 декабр куни ҳолатигача бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ аудиторлик кўригидан ўтказдик.

Аудитнинг халқаро стандартлари бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг «Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги» бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қарорларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Жамият рахбариятини молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Жамияти рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият рахбарияти молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлиги, молиявий ҳисоботларни тайёрланишида зарур бўлган ички назорат тизими, молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслиги, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги учун жавобгардир.

Аудитор жавобгарлиги

Биз томонимиздан ўтказилган аудит текшируви молиявий ҳисоботни ҳаққонийлигини, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун

хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботдаги рақам кўрсаткичларини ишончлилигини тасдиқлаш ва ундаги маълумотларни аудиторлик исботлаш орқали ёритилишини ўз ичига олади. Эътиборсизлик ёки хатолик оқибатида молиявий ҳисоботда жиддий бузилиш ҳолатлари содир этилганда, аудиторни таваккалчилиги, иш тартибини танлаши аудиторни юқори малакалилигига боғлиқ.

Биз томонимиздан олинган аудиторлик маълумотлар ушбу молиявий ҳисобот унинг ҳақиқий ҳолатини ҳаққоний акс эттирилишига ишонарли ва етарли асос беради.

Хулоса

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект Самарқанд вилояти **"SAMARQANDMARMAR"** акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботлари унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

"Хулосани тасдиқлайман"

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkilotining директори:



Ў.Очилов

"Хулосани тайёрладим"

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkilotining аудитори:

С.Усаров